


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ



Кўлёзма ҳуқуқида  
УДК:338(575.1)+303.7

**ТОШПУЛАТОВ ЭЛЁР АБДУҲОШИМОВИЧ**

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ  
БОШҚАРИШДА ИСТИҚБОЛЛИ ТАҲЛИЛНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ.**

**08.00.08 - «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аўдит»**

**Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2010**

658  
Т-29

658.511

Диссертация иши Тошкент Молия институтида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
Хасанов Баходир Акрамович.

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич;  
иқтисод фанлари номзоди, доцент  
Усанов Абсалом.

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги.

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 ракамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2010 йил "19.03" соат 16<sup>00</sup> да ўтадиган мажлисида бўлади.

**Манзил:** 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация иши билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил 16 феврал да таркатилди.

Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби,  
иқтисод фанлари номзоди

Т.М.  Мирзаев Ф.И.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Жаҳон иқтисодий инкирозининг оқибатларини бартараф этиш, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш, реал иқтисодиёт корхоналарига ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш чора-тадбирларни амалга оширишга эътибор қаратиш билан бирга, биз эртанги кунимизни, келажакимизни асло унутмаслигимиз зарур»<sup>1</sup>.

Инкирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш шароитида республикамиз корхоналари молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни олдиндан тахминлаш, уларни истиқболли ривожлантириш бўйича самарали бошқарув қарорлари қабул қилишда назарий ва ахборот таъминоти асосларини яратиш истиқболли иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг услубий жиҳатларини ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради. Шу нуктаи-назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) Фармонида асосан куйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши белгилаб берилган:

– маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

– иқтисодиёт инфратузилмасини тубдан яхшилаш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида «Ўзбек миллий автомагистрали» лойиҳасини, яъни 4 қаторли халқаро автомобиль йўли қурилишини амалга ошириш.

Президентимиз таъкидланганларидек: «Замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, шу асосида иқтисодиётни изчил ва барқарор юксалтириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида «2009 йилда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» махсус дастур қабул қилинди.

Биз транспорт инфратузилмасини, биринчи навбатда автомобиль ва темир йўллارни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. 2007-2010 йилларда умумий фойдаланишда бўлган автомобиль йўлларини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши бугунги кунда республикамизнинг барча минтақалари ўртасида йил давомида ишончли транспорт алоқасини таъминламоқда»<sup>2</sup>.

Юқоридагилар мазкур соҳада чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо қилаётганлиги танланган мавзунинг долзарблигидан далолат бериб турибди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертацияда истиқболли иқтисодий таҳлилни ривожлантиришнинг назарий, услубий ва амалий жиҳатлари

<sup>1</sup> Каримов И.А. "Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари". Т.: «Ўзбекистон», 2009 - б. 36

<sup>2</sup> Каримов И.А. "Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма Тошкент: «Иқтисодиёт», 2009.-б. 55-56.

хорижлик иктисодчи олимлардан М.И.Баканов, Б.И.Майданчик, Г.В.Савицкая, Р.С.Сайфулин, И.Н.Селезнева, А.Д.Шеремет, республикамиз олимларидан эса И.Т.Абдукаримов, Э.А.Акрамов, А.В.Ваҳобов, А.Т.Ибрагимов, А.К.Ибрагимов, М.Қ.Пардаев, М.Ю.Раҳимов, Б.А.Ҳасанов, А.Х.Шоалимов, А.Усановларнинг<sup>3</sup> илмий асарларида ўрганилган.

Ушбу тадқиқот ишларида истиқболли иктисодий таҳлилни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнлари комплекс равишда қўриб чиқилмаганлиги, автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш тизимини ўрганиш зарурати мазкур илмий ишнинг долзарблиги ва мақсадини белгилаб берди.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Илмий иш Тошкент Молия институти илмий – тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** – иктисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар бошқарувида истиқболли иктисодий таҳлилни самарали ташкил этишга бағишланган илмий тақлифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Диссертация ишида қуйидаги вазифалар тизими шакллантирилди:

– «истиқболли таҳлил», «молиявий диагностика», «тахминлаш» тушунчаларининг такомиллашган муаллифлик таърифини ишлаб чиқиш;

– истиқболли иктисодий таҳлилининг моҳияти, тамойиллари ва босқичларини тадқиқ этиш;

– хўжалик юритувчи субъектларда истиқболли иктисодий таҳлил ва стратегик режалаштиришнинг ўзаро боғлиқлигини тадқиқ этиш;

– истиқболли иктисодий таҳлил тизимида бюджетлаштиришни амалга ошириш бўйича амалий тақлифлар ишлаб чиқиш;

– йўл қурилиши ва таъмирлаш корхоналарида истиқболли иктисодий таҳлилни такомиллаштиришга қаратилган илмий тақлифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти.** Тадқиқот ишининг объекти сифатида «Ўзавтоўл» ДАК тизимидаги хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг истиқболли иктисодий таҳлили ҳисобланади.

<sup>3</sup> Савицкая Г.В. Анализ хозяйственной деятельности предприятия: 2-е изд., перераб. и доп. - Мн.: ИП. Эксперспектива, 1998. - 498 с.; Баканов М.И., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. М.: Финансы и статистика. 1993. - 326 с.; Селезнева И.Н., Ионова А.Ф. Финансовый анализ: учебное пособие. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. - 479 с.; Шеремет А.Д., Сайфулин Р.С. Методика финансового анализа. М.: ИНФРА. 1995. - 232 с.; Вахобов А., Иброхимов. Молиявий таҳлил. Дарслик. - Т.: «Шарқ». 2002. - 224 б.; Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқув ва таҳлил қилиш йўллари. Т.: «Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», 1999. - 3-сон. - 96 б.; Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. - Т.: Молия. 2003. - 224 б.; Ибрагимов А.К., Эшнаев Б. Бозор иктисодиёти шароитида бошқарув ҳисоби муаммолари // Ўзбекистон иктисодий ахборотномаси. - Тошкент, 2001. - №6. -6; Ибрагимов А.Т., Раҳимов М.Ю. Бошқарув таҳлили. Т.: ТМИ - 2004. - 233 б.; Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. Иктисодий таҳлил. 1-2 қисм. - Т.: «Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». 2001. - 256 б.; Ҳасанов Б.А., Ҳошимов А.А. Бошқарув ҳисобида бюджетлаштириш. - Т.: Ўқитувчи. 2004. - 100 б.; Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х., Пардаев И.Р., Исроилов Ж.И. Бошқарув таҳлили. - Т.: «Иктисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». 2005. - 69 б.; Ризақулов А.А., Ибрагимов А.К., Ҳасанов Б.А., Усанов А., Маматов З.Т. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (таржима). - Т.: 1-2-3 томлар. 1994.-320 б.; Ахмаджанов Х., Раҳимов М. Фирма ва компанияларда иктисодий ночорлик таҳлили // Кичик бизнес ва тadbиркорлик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби, иктисодий таҳлил ва аудитни ривожлантириш масалалари // Маъруза тезислари материаллари. - Тошкент, ТМИ - 2004 - 33 б.; Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. Иктисодий таҳлил назарияси - Тошкент, 2005. - 60 б.

**Тадқиқот предмети.** Хўжалик юритувчи субъектлар бошқарув фаолиятида истиқболли таҳлилни ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидан иборат.

**Тадқиқот методлари.** Диссертация ишида илмий-тадқиқотнинг гурухлаш, умумлаштириш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил, башоратлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқот гипотезаси** шундан иборатки, ишда берилаётган илмий таклиф ва амалий тавсияларни амалиётда қўллаш натижасида «Ўзавтойўл» ДАК ва унинг тизимидаги корхоналарда, шунингдек, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги хўжалик юритувчи субъектларда истиқболли иқтисодий таҳлилни ташкил қилиш, уларни истиқболли ривожлантириш бўйича самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш амалиётида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг узоқ муддатга мўлжалланган режалари ишлаб чиқилиши таъминланади.

**Химояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:**

- «истиқболли таҳлил», «молиявий диагностика», «тахминлаш» тушунчаларининг такомиллаштирилган муаллифлик таърифи шакллантирилди;
- комплекс иқтисодий диагностик таҳлилнинг таркибий қисмлари аниқланди, баҳолаш услуги таклиф этилди ва туркумлаштирилди;
- истиқболли таҳлилда экстраполяция усулини қўллаш методикаси ишлаб чиқилди;
- автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш корхоналарида банкротлик ҳолатини тахминлаш усули ишлаб чиқилди.

**Илмий янгиллиги.** Диссертацияда истиқболли иқтисодий таҳлилни такомиллаштириш юзасидан қуйидаги илмий янгилликларга эришилди:

- корхоналарда истиқболли иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг иқтисодий моҳияти очиб берилди;
- иқтисодий таҳлилнинг турлари таснифланди, қиёслаш мезонлари ишлаб чиқилди ва уни ўтказишнинг босқичлари белгиланди;
- корхоналарда истиқболли иқтисодий таҳлил ва стратегик режалаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги, умумий ва хусусий жиҳатлари қиёсий тадқиқ этилди;
- истиқболли иқтисодий таҳлилда бюджетлаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди;
- корхоналарда истиқболли иқтисодий таҳлилни амалга оширишнинг молиявий диагностика, прогнозлаштириш ва бошқа усуллари тавсия этилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти, унинг назарий хулосаларидан корхоналарда истиқболли иқтисодий таҳлилни ташкил этиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Диссертациянинг муҳим назарий қондаларидан олий ўқув юртлари таълим жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, унинг истиқболли иқтисодий таҳлилни ташкил этишга оид илмий хулоса ва амалий таклифларини автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш соҳасидаги, иқтисодиётнинг бошқа

тармоқларидаги хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни оқилона ташкил қилиш жараёнида қўллаш мумкин.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Номзодлик диссертациясида ишлаб чиқилган илмий ғоя ва амалий таклифлар Тўқимачилик ва енгил саноат институтида №ОТ-Ф7-132-сонли «Тўқимачилик саноати корхоналарида стратегик бошқарув ҳисоботи ва инновацион фаолиятнинг назарий ва услубий асослари» мавзусидаги давлат фундаментал грантини бажаришда (20.02.2009 йил №64-08р далолатнома), «Иқтисодий таҳлил», «Молиявий ва бошқарув таҳлили» фанларини ўқитишда (27.02.2009 йил №85-01/9 далолатнома-хат) ва Тошкент Молия институтида «Молиявий ва бошқарув таҳлили», «Комплекс иқтисодий таҳлил», «Корхона молиявий ҳолатининг таҳлили» фанларини ўқитишда (далолатнома 25.02.2009 йилда тасдиқланган) фойдаланилмоқда.

Тадқиқотнинг илмий хулоса ва амалий таклифлари «Ўзавтойўл» ДАК томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган, (15.10.2009 йил №5/3-1486 далолатнома).

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертациянинг илмий натижалари ва хулосалари қуйидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён қилинган ва маъқулланган: «Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш тамойиллари, устувор йўналишлари ва истиқболлари» (Тошкент, 2006); «Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда корпоратив бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил ва аудитнинг асосий йўналишлари» (Тошкент, 2006); «Двадцатые международные плехановские чтения» (Москва, 2007); «Дальнейшее углубление реформ в банковско-финансовой системе Узбекистана» (Москва, 2007); «Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане» (Москва, 2008).

Тадқиқот иши Тошкент Молия институти ва Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш ҳузуридаги илмий семинар мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мазмуни 3 та журнал мақолалари, 5 та халқаро ва республика илмий-амалий конференциялари тезисларида эълон қилинган.

**Ишнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва маззуга доир иловалардан иборат. Диссертация матни 122 бет бўлиб, 5 та расм, 10 та формула, 15 та жадвал ва 16 та иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий рақобат муҳитида юқори фойда олиш мақсади ривожланишнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради. Бу эса, корхонани самарали бошқаришдаги иқтисодий таҳлилнинг ролини янада оширишни тақозо қилади.

Ҳукуматимиз томонидан аҳоли фаровонлигини ошириш ва инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги қошида ташкил этилган «Йўл фонди» томонидан 2004-2008 йилларда «Ўзавтойўл» давлат - акциядорлик компанияси тизимидаги ташкилотларга 606,2 млрд. сўм маблағ сарфланган бўлса, шу жумладан, умумий фойдаланишдаги йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш учун 236,1 млрд. сўм; йўлларни таъмирлаш ва сақлаш учун 344,6 млрд. сўм, йўлларни жиҳозлаш ва техника ускуналари билан таъминлашга оид 25,5 млрд. сўмлик харажатлар молиялаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2010 йилларда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2006 йил 20 декабрда имзолаган ПҚ-535-сонли қарори республикада автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлашда навбатдаги муҳим кадам бўлди. Бунинг боиси, ушбу қарор билан «2007-2010 йилларда ва узоқ муддатли истиқболда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини ривожлантириш Концепцияси» қабул қилинди. Унинг биринчи бандида йўл қурилиши соҳасини ривожлантириш ва такомиллаштиришда ягона давлат сиёсати асосларини ишлаб чиқиш, йўл хўжалигида самарали бошқарув тизимларини амалга ошириш орқали тизимни молиялаштириш ва маблағларни мақсадли ишлатишга эришиш, йўл индустриясининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, давлатнинг ўз олдига қўйган стратегик вазифалари бажарилишини назарда тутиб, иқтисодийёт ва аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб, автомобиль йўллари тармоғини ривожлантиришнинг аниқ муддатлари кўрсатиб ўтилган.

«Ўзавтойўл» давлат - акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўллари, кўприklar ва йўл-кўприк инфратузилмаларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланишни амалга оширишга вакил қилинган давлат тузилмаси ҳисобланади. Компания таркибий жиҳатдан 13 та вилоят бирлашмалари ва 80 дан ортиқ йўллардан фойдаланиш бошқармалари ва бирламчи-ёрдамчи хўжаликлардан иборат, (1-жадвал).

«Ўзавтойўл» давлат – акциядорлик компанияси тизимидаги ташкилотларни истиқболли иқтисодий ривожлантиришнинг оптимал йўлларини ишлаб чиқиш таҳлилнинг барча турларига тенг ўрин берган ҳолда, бозордаги ҳодиса ва ўзгаришларни диагностика қилиш ва вазиятли иқтисодий таҳлил воситасида узоқ муддатли стратегик тахминлаш ва бюджетлаштиришга қаратилган усулларни қўллашга кўпроқ эътибор беришни тақозо этади.

Шу ўринда истиқболли иқтисодий таҳлил тадқиқот усули сифатида келажакнинг башоратчиси бўлиши керак, яъни келажакда ташкилотни ривожлантиришнинг кучли қуроли вазифасини бажариши лозим.

Иқтисодий таҳлил назариясида қорхонани истиқболли ривожлантириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишда иқтисодий таҳлилни тезкор, жорий ва истиқболли таҳлилларга бўлиниши белгиланган.

Иқтисодий таҳлил назарияси соҳасида тадқиқот олиб бораётган кўпчилик олимларнинг таҳлил турларини туркумлаштиришда ва илмий таъриф беришда турли ёндашувлар мавжудлигини кўришимиз мумкин. Ҳозирда туркумлаш белгилари сифатида таҳлилнинг объекти, субъекти, мақсади, даврийлиги, тааллуқлилиги олинмоқда. Фикримизча, иқтисодий таҳлил турларини туркумлаш тамойилларининг аниқлиги жиҳатдан проф. А.Д.Шереметнинг иқтисодий таҳлилни

бошқарувнинг функциялари бўйича туркумлаш лозим, - деган тақлифи эътиборга лойиқдир<sup>4</sup>. Ушбу нуқтаи-назарни иқтисодчи олимлар М.Қ.Пардаев<sup>5</sup>, А.Н.Шоалимов, Ш.А.Тожибоевалар<sup>6</sup> ҳам қўллаб-қувватлашган.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида турли хил умумий фойдаланишда бўлган йўллارни аҳамияти бўйича узунлиги (2009 йил 1 январь ҳолати, км.ҳисобида)<sup>7</sup>**

Т.р	Кўрсаткичлар	Жами	Шу жумладан йўллarning аҳамияти бўйича :		
			Халқаро	Давлат	Маҳаллий
	<b>Республика бўйича</b>	<b>42530</b>	<b>3626</b>	<b>16909</b>	<b>21995</b>
1.	Қорақалпоғистон	4175	664	1004	2507
2.	Андижон	2459	103	819	1537
3.	Бухоро	4002	496	1482	2024
4.	Жиззах	2543	168	1517	858
5.	Қашқадарё	3454	411	1473	1570
6.	Навоий	4196	300	2878	1018
7.	Наманган	3355	69	1148	2138
8.	Самарқанд	4128	339	1110	2679
9.	Сурхондарё	2719	351	1237	1131
10.	Сирдарё	1422	197	661	564
11.	Тошкент	3833	266	1629	1938
12.	Фарғона	3979	149	1056	2774
13.	Хоразм	2265	113	895	1257

А.Х.Шоалимов, Ш.А.Тожибоевалар истиқболли таҳлилга қуйидагича таъриф беришган: «Истиқбол таҳлили деганда хўжалик юритувчи субъектнинг келгуси фаолиятини олдиндан ўрганиш, бўладиган жараёнларни олдиндан белгилаш мақсадида амалга ошириладиган таҳлил тушунилади. Масалан, хўжалик юритувчи субъект бизнес-режани тузиш учун ўз фаолиятини нима билан яқунлаши тўғрисида аниқ тушунча ва кўрсаткичларга эга бўлиши керак. Бу эса истиқбол таҳлили орқали амалга оширилади. Ҳозирги пайтда уни лойиҳа таҳлили, деб ҳам атамоқдалар»<sup>8</sup>.

Ўқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда таъкидланган 3 та босқичда ҳам хал қилувчи ролни ресурслар ўйнайди. Чунки, компаниянинг молиялаштирилиши асосий ишлаб чиқариш воситалари, ускуна ва жиҳозлар, бинолар, ишчи кучи билан таъминлашнинг арзон ва сифатли, имконият даражасида маҳаллийлаштириш дастури асосида харид қилиниши корхонани истиқболли ривожлантиришнинг гаровидир.

<sup>4</sup> Баканов М.И., Шермет А. Д. Теория анализа хозяйственной деятельности. Учебник. - М.: Финансы и статистика, 1987. - 63 с.

<sup>5</sup> Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. - Самарқанд: Зарафшон. 2001. - 272 б.

<sup>6</sup> Шоалимов А.Н., Тожибоева Ш.А. Иқтисодий таҳлил назарияси: - Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2005. - 58 б.

<sup>7</sup> "Ўзавтойўл" ДАК маълумотлари асосида тузилган.

<sup>8</sup> А.Х.Шоалимов, Ш.А.Тожибоева. Иқтисодий таҳлил назарияси. - Тошкент, 2004. - 43 б.



«Истикболли таҳлил», «стратегик таҳлил» ва «молиявий диагностика таҳлили» атамалари иқтисодий адабиётда ҳар хил ёндашув ва мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Проф. О.К.Иминов молиявий таҳлилнинг истикболдаги мақсадлари сифатида қуйидагиларни белгилиб беради:

– корхонанинг замон ва макон бирлигидаги (ой, кун, квартал, йил ва ҳ.к.) ҳолатини баҳолаш;

– молиявий ўзгаришларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш;

– корхонанинг жорий ва стратегик молиявий ҳолатини баҳолаш;

– молиявий маблағ олинishi мумкин бўлган манбаларни ва самарали жойлаштиришни аниқлаш<sup>9</sup>.

Истикболли иқтисодий таҳлилнинг муаммоларини тадқиқ этиш жараёнида, проф. Б.И.Майданчик қуйидагиларни ажратиб кўрсатади: «ички ва жаҳон бозорида корхонанинг рақобатбардошлиги таҳлилсиз бошқаришнинг оптимал стратегиясини белгилаш, корхона фаолиятининг самарадорлик даражасини белгилаш, уни ошириш йўллари аниқлаш; ҳўжалик механизмнинг турлича вариант, моделларининг самарадорлигини баҳолаш мумкин эмас»<sup>10</sup>.

Илмий ишда «истикболли таҳлил», «молиявий диагностика», «тахминлаш» тушунчаларининг моҳиятини қиёсий ўрганиб чиқиш асосида такомиллаштирилган муаллифлик таърифи шакллантирилди:

Истикболли таҳлил - ўтган давр молиявий - иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилиниши асосида корхона раҳбарияти томонидан келажакни ривожлантириш мақсадида бошқарув қарорлари қабул қилиниши учун зарур ахборотлар билан таъминлашга хизмат қиладиган иқтисодий таҳлил фанининг ажралмас қисмидир.

Фикримизча, истикболли иқтисодий таҳлил корхонанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини истикболдаги режаларини тузишга қўмаклашадиган, унинг молиявий-ҳўжалик фаолиятининг стратегик йўналишларини белгилаб берадиган муҳим иқтисодий дастакларидан биридир.

Молиявий диагностика – корхонанинг келажакда қутилаётган молиявий аҳолини олдиндан кўра билиш ва молиявий режа кўрсаткичларини асқлашга, бошқарувни ахборотлар билан таъминлашга хизмат қиладиган истикболли иқтисодий таҳлил фанининг усулидир.

Тахминлаш (прогнозлаштириш) – аниқ бир жараённинг ривожланиш истикболлари ва тенденцияларини келгусида эҳтимол тутилган имкониятларини кидиришдир.

Амалиётда узоқ муддатли таҳлил мақсадларини амалга оширишда истикболни белгилаш учун келгусида ривожлантириш қарорларини қабул қилишда информацион ва назарий асосни яратиш муҳимдир. Бу ҳолатда жорий таҳлил имкониятлари чекланганлиги туфайли, келгуси жараёнларни таҳлил қилишда ундан фойдаланиш имконияти ниҳоятда чегараланган. Бизнингча, бунда истикболли иқтисодий таҳлил воситаларини қўллаш мақсадга мувофиқдир, (2-жадвал).

<sup>9</sup> Иминов О.К. Молиявий стратегиянинг назарий асослари - Т.: ДЖКА, 2006. - 7 б.

<sup>10</sup> Майданчик Б. И. Проблемы развития экономического анализа. - М.: Бухгалтерский учет, №7. 1990. - 57 с.

**Жорий ва истикболли иқтисодий таҳлилнинг қиёсий жиҳатлари<sup>11</sup>**

Т/р	Қиёслаш белгилари	Жорий таҳлил	Истикболли таҳлил
1.	<i>Мақсадига кўра</i>	Корхонанинг ҳисобот даври маълумотлари асосида ресурслар ҳаракатини таҳлил қилади	Корхона раҳбариятини истикболли бошқарув қарорлари қабул қилиши учун зарур ахборотлар билан таъминлайди
2.	<i>Кўрсаткичлар тизимига кўра</i>	Барча ижтимоий-иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар	Асосан молиявий кўрсаткичлар (фойда, таннарх, пул маблағлари ҳаракати)
3.	<i>Ахборот манбаларига кўра</i>	Йиллик молиявий ва бошқарув ҳисоби, ҳисоботи шакллари, корхонанинг жорий даврдаги бошқа ижтимоий-иқтисодий ахборотлари	Корхонанинг қатор йиллик молиявий ҳисоботи шакллари ва бошқа иқтисодий ахборотлари
4.	<i>Ўтказиш усулларига кўра</i>	Гуруҳларга ажратиш, такқослаш, омилли таҳлил, занжирли боғланиш ва бошқалар	Жорий таҳлил усуллари ҳамда корреляция-регрессия, молиявий диагностика, статистика ва тахминлаш
5.	<i>Муддатига кўра</i>	Йиллик маълумотлар асосида	3-5 ва ундан кўп йиллик маълумотлар асосида
6.	<i>Фойдаланувчилар доирасига кўра</i>	Инвесторлар, кредиторлар, таъсисчилар, корхона раҳбари, эгаси	Асосан корхона раҳбарияти ва бошқаруви ходимлари учун
7.	<i>Компьютерлаштириш даражасига кўра</i>	Мураккаб бўлмаган компьютер дастурларидан фойдаланган ҳолда таҳлил ўтказилади	Аниқ компьютерлаштиришни талаб қилади. Бунда махсус, мураккаб компьютер дастурларидан фойдаланилади

Ишлаб чиқариш корхоналарида истикболли иқтисодий таҳлилни ташкил этиш қўйилган мақсадни оптимал даражада амалга ошириш, таҳлилнинг алоҳида тури сифатида унинг бошқа турлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни таъминлашга хизмат қилади.


Иқтисодий таҳлилнинг ушбу тури қуйидаги асосий босқичларга асосланади: жорий таҳлил қилиш; тахминли таҳлил қилиш; истикболни баҳолаш; оқилона бошқарув қарорларини ишлаб чиқишга имкон берувчи маълумотлар базасини шакллантириш; янги тахминга асосланган ҳисоб-китобларни амалга ошириш; корхонани муҳим иқтисодий ривожланиш йўналишларини белгилаб бериш ва амалиётга жорий этиш борасида етарлича илмий асосланган амалий таклифлар бериш, (1-расм).

Мазкур таҳлилнинг муҳим хусусияти шундаки, у ўтган ва ҳозирги давр молиявий – иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида уларга келгусида таъсир этувчи омилларни аниқлаш имконини беради. Бунда истикболли таҳлилни ташкил этишда жорий таҳлил ва истикболли тахминлаш элементларидан самарали фойдаланиш лозим.

Истикболли иқтисодий таҳлилнинг муҳим вазифаларидан бири - истикболга мўлжалланган инвестиция қарорларини қабул қилишдаги хатоликларни бартараф этишдан иборат бўлиб, бу - корхонанинг мулкий ҳолати, тадбиркорлик risks

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

даражаси, учинчи шахслар олдидаги мажбуриятларни бажариш имконияти, жорий ва узоқ муддатли инвестициялар учун капитал етарлилиги, қўшимча молиявий манбаларга эҳтиёж, капитални кўпайтириш зарурияти, қарз маблағларининг оқилона тарзда жалб этилиши таҳлили, фойдани тақсимлаш ва ишлатилишининг асосланганлиги, инвестицияларни йўналтиришнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш имконини беради.



**1-расм. Корхоналарда истиқболли иқтисодий таҳлилни амалга ошириш босқичлари**<sup>12</sup>

Истиқболли иқтисодий таҳлилда корхона фаолиятининг узлуксизлиги ва иқтисодий яшовчанлигини тавсифловчи асосий молиявий кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат: корхоналарнинг тadbиркорлик фаоллиги кўрсаткичлари, жорий ва узоқ муддатли тўловга лаёқатлилиги кўрсаткичлари. Ушбу кўрсаткичларнинг пасайиши корхонанинг молиявий жихатдан беқарорлигидан далолат беради.

Йўл қурилиши ва уни эксплуатация қилишдаги муҳим технологик хусусият йўлнинг турли қисмлари ҳар хил йўл қуриш бўлинмалари томонидан қурилиб, топширилади. Бу эса, сифат ва жавобгарлик марказларининг масъулиятига боғлиқ бўлади. Қурилиш жараёнида катта ҳажмдаги тупроқ, йўл текислаш, тош ёки шагал қатламни ётқизиш, олдиндан йўл бетини қотириш, асфальт ётқизиш каби кўплаб ишлар ҳисоб ва истиқболли таҳлил, таннархни ҳисоблашни босқичли усул билан аниқлашни ва ташкил этишни талаб қилади.


Республикада фаолият юритаётган йўл қурилиши ташкилотларининг фаолияти таҳлил қилинганида уларда катта ҳажмдаги тугалланмаган ишлаб чиқаришларнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш қувватлари ва қурилиш объектларининг ўз вақтида шартномага асосан ишга туширилмаётганлиги, меҳнат унумдорлиги ва бошқа тахлили кўрсаткичларнинг паст даражада эканлиги аниқланди. Бундай ҳолатда горизонтал, вертикал ва тренд таҳлили

<sup>12</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

орқали корхонанинг шерикчилик муносабатларини таҳлил қилиш заруратини бозор муносабатларининг ўзи кўрсатиб турибди <sup>13</sup>.

Йўл қурилиши ташкилотларида ҳисоб ва таҳлил ишларининг ташкил этиш улардаги ўзига хос хусусиятларга боғлиқдир. Автомобиль йўлларида амалга ошириладиган қурилиш ва таъмирлаш ишларининг таркиби ва характери сифат жиҳатдан ўзгараётганлиги бир вақтда, табиий – иклим шароитининг фасллар бўйича таъсири, мунтазам равишда иш ҳажмининг тўхтовсиз ошиб бориши ўрнатилган меъёрларга қарамасдан, йўл техникалари эскиришининг тезлашишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, харажатлар таркибида таъмирлаш харажатлари салмоғининг ошишидан далолат беради.

Комплекс молиявий диагностика таҳлилини таркибий қисмлари ва баҳолаш усулларини қуйидаги расмдан кўриш мумкин, (2-расм).



2-расм. Комплекс молиявий диагностика таҳлилининг таркибий қисмларини туркумлаш <sup>14</sup>

Корхоналар амалиётида истиқболли таҳлил элементларидан бири ҳисобланган бизнесни режалаштириш ва техник-иктисодий асосноманинг мазмуни, мақсади, тузувчи мутахассислар ва услубиятига жиддий эътибор берилмаяпти. Бунинг оқибатида молиявий режа тузиш, бош бюджет, молиявий, операцион ва инвестицион бюджетлар тузиш тadbирлари ўрнига банк муассасаларидан кредит олиш мақсадида бизнес-режа тузилмоқда. Шунингдек, стратегик, истиқболли ва диагностик таҳлил усулларини фарқлаш, туркумлаш ва корхоналар амалиётида қўллаш бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқотларни етарли деб бўлмайти. Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилаётган шароитда йўл қурилиши ва таъмирлаш корхоналарининг молиявий барқарорлиги ва иктисодий ночорлигини таҳлил қилиш, инвестициялар жалб қилиш йўлларини аниқлаш ва самарадорлигини баҳолаш кун тартибидаги долзарб масаладир.

Молиявий диагностика истиқболли таҳлилнинг самарали усули сифатида маҳсулот сотиш, кредит ресурсларини жалб қилиш, ишлаб чиқариш захираларини харид қилиш, асосий воситалар таркибини замонавийлаштириш бўйича истиқболли қарорлар қабул қилишда ҳам муҳим роль ўйнайти.

<sup>13</sup> «Ўзавтойул» ДАКнинг 2005-2008 йил ҳисобот маълумотлари.

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

Молиявий диагностика истикболдаги кризисга қарши фаолиятни олдиндан диагностика қилиш, шу жумладан, кризис белгиларини молиявий, иқтисодий, ишлаб чиқариш салоҳияти нуқтаи - назаридан баҳолаш, кризис бошланганда ва давом этаётганда ундан чиқиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, мақбул бошқарув тактикаси ва стратегиясини танлашга кўмаклашиши лозим.

Инкироздан чиқиш даврида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати, қайта ташкил этиш масалалари, бошқарув тизимини ислох қилиш масалалари кун тартибига қўйилади. Агар бу давр банкротлик билан тугаса, унда субъектнинг активлари, мажбуриятлари ва бошқа операциялар баҳолашиб чиқилади. Субъект давлат молиявий соғломлаштириш дастурига киритилган бўлса, бу ҳолатда молиявий соғломлаштириш дастури асосида унга бериладиган икки йиллик имтиёзлар даврида қилиниши лозим бўлган устувор тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

Юқоридаги фикрлар молиявий диагностика истикболли таҳлилининг муҳим таркибий қисми сифатида бошқарувни ахборотлар билан, субъектни молиявий, меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлаш воситаси сифатида муҳим эканлигини таъкидлаш зарур.

Бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш ишлаб чиқариш корхоналарини иқтисодий рақобатчилик муҳитида юқори фойда олиш мақсадида ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради. Бу эса, иқтисодий таҳлилни корхонани самарали бошқаришдаги ролини янада оширишни тақозо қилади.

Шу маънода проф. А.В.Ваҳобов ва Т.С.Маликовлар томонидан молиявий башоратлаш бўйича берилган таъриф ва услублар ўринли, деб ҳисоблаймиз: молиявий режалаштиришни молиявий башоратлашсиз тасаввур этиб бўлмайди; у ёки бу давр мобайнида давлатнинг мавжуд бўлган молиявий аҳволини олдиндан кўра билиш ва молиявий режалар кўрсаткичларини асослашга молиявий башоратлаш, дейилади.

Назария ва амалиётда молиявий башоратлаш иккига ажратилади:

1. Ўрта муддатли (5-10 йиллик) молиявий башоратлаш.
2. Узоқ муддатли (10 йилдан ортиқ) молиявий башоратлаш.

Молиявий башоратлаш молиявий режалар тузиш босқичидан аввал содир бўлиб, унда жамиятнинг маълум бир даврдаги тараққиётига бағишланган молиявий сиёсатнинг концепцияси ишлаб чиқилади. Молиявий башоратлашнинг мақсади – башоратланаётган даврда ҳақиқатда мавжуд бўлиши мумкин бўлган молиявий ресурсларнинг реал ҳажми, уларни шакллантириш манбалари ва улардан фойдаланишни аниқлашдан иборат. Молиявий башоратлар молиявий тизим органларини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг, молиявий сиёсатни амалга ошириш шакллари ва методларининг турли-туман вариантларини белгилашга имкон беради<sup>15</sup>.

Корхоналарда истикболли иқтисодий таҳлилни ўтказишда молиявий коэффицентларни таҳлил қилиш бухгалтерия ҳисобининг ички

<sup>15</sup> Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Ўқув қўлланма. -Т.: «QITISOD-MOLIYA», 2008. -Б. 203

маълумотларидан фойдаланишни тақозо этади. Бундай маълумот, хусусан, бошқарув ҳисоби соҳасида ишлатиладиган корхона счетлари бўйича маблағлар ҳаракати, ички айланмалар ва бошқа кўпгина маълумотларга тегишлидир.

Истикболли иқтисодий таҳлил корхонанинг келгусидаги барқарор ривожланиш суръатларини башоратлашни талаб қилади. Бунда хусусий капиталнинг рентабеллигини «Ўзавтойўл» ДАКнинг 2010 йил учун бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шакллари маълумотларига мувофиқ қуйидаги кўринишда ифодалаш мумкин, (минг сўмда):

$$X_{\Phi} = \frac{C_{\Phi}}{C_T} \times \frac{C_T}{A_{\text{ўрт}}} \times \frac{A_{\text{ўрт}}}{X_{\text{ўрт}}} = \frac{16}{305963} \times \frac{305963}{901670} \times \frac{901670}{706240} = 0,11 \times 0,33 \times 1,28 = 0,05 \quad (1)$$

бу ерда,

$X_{\Phi}$ - хусусий капиталдан олинadиган фойда;

$C_{\Phi}$ - ҳисобот даврининг соф фойдаси;

$C_T$  - маҳсулот сотишдан тушган соф тушум;

$A_{\text{ўрт}}$  - активларнинг йиллик ўртача қиймати;

$X_{\text{ўрт}}$  - хусусий капиталнинг йиллик ўртача қиймати.

Соф фойда ва маҳсулот сотишдан тушган соф тушумнинг нисбати фойда маржаси деб аталади. Ушбу боғлиқлик фойданинг қуйидаги ўзгариш сабабларини аниқлаш имконини беради: сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар бирлигига тўғри келадиган фойданинг ўзгариши; активларнинг самарадорлиги ўзгариши.

Йўл қурилиши ва таъмирлаш корхоналарида истикболли иқтисодий таҳлил усулларини такомиллаштириш йўлларида бири - молиявий диагностика ва прогнозлаштириш ҳисобланади. Унинг манбалари сифатида тезкор молиявий ва статистик ҳисобот шакллари, шунингдек, тармоқ хусусиятига эга бўлган бошқа ҳисобот шакллари ҳисобланади. Тадқиқотлар кўрсатишича, молиявий диагностика ва тахминлаш жараёнларида бухгалтерия баланси усули билан бирга иқтисодий баланслаштириш усулларини қўллаш ижобий самаралар беради. Айниқса, пул маблағлари ҳаракатининг кутилаётган ҳажмини молиявий диагностика қилиш, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари динамикасини истикболли таҳлил мақсадлари учун ўтган давр, ҳисобот даври ва истикболда кутилаётган натижаларни бюджетлаштириш рецессия жараёнида муҳим аҳамиятга эга. Молиявий тахминлашни босқичма-босқич амалга ошириш молиявий коэффициентларни таҳлил қилиш режалаштирилган мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар ҳажмини аниқлаш, лойиҳа асосига қўйилган иқтисодий тахминларни коррективроқ қилиб боришдан иборат бўлади. Молиявий диагностикани истикболли таҳлилнинг самарали усули сифатида автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш корхоналарида қўллаш мақсадга мувофиқдир.



«Ўзавтойўл» ДАК тизимидаги корхоналарда молиявий диагностика жараёнини қуйидаги босқичларда ифодалаш мақсадга мувофиқ:

– молиявий ҳисоботларни лойиҳалаш ва улардан операция режа натижаларини ва молиявий коэффициентларнинг ўзгаришини таҳлил қилишда фойдаланиш;

<sup>16</sup> Холт Р.Н. Основы финансового менеджмента. - М.: «Дело Лтд», 1995. – 35 с. формуласи асосида муаллиф томонидан тузилган.

- режалаштирилган мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар ҳажмини аниқлаш;
- зарур бўлган маблағларни манбалари бўйича жалб этиш мумкинлиги имкониятларини тахминлаш;
- маблағларни тахминлаш ва улардан оқилона фойдаланишни бошқарадиган самарали тизимни жорий этиш;
- лойиҳа асосига кўйилган иқтисодий тахминларга доир тегишли ўзгартиришларни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш;
- корхона ходимларини молиявий жиҳатдан рағбатлантириш тизимини жорий этиш.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарда молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж ортиб боради. Бундай шароитда бевосита ва қисқа вақт мобайнида бошқа ресурс турига айланишга қодир бўлган молиявий ресурсларнинг аҳамияти ортиб боради. Биз, россиялик олим проф.В.В.Ковалевнинг бошқарув даражаси учга бўлинганида молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларининг мутаносиблиги режалаштирилиши қай даражада ўзгариб боришини изоҳлаб берувчи методикаси бизнинг тадқиқот объектларимиз учун ҳам мақбул, деб ҳисоблаймиз, (3-расм).<sup>17</sup>

<p><b>ДАРАЖАЛАР:</b> Стратегик бошқарув Тактик бошқарув Тезкор бошқарув</p>		<p>t &gt; 3 йилдан ортиқ t - 1 йилдан 3 йилгача t - 1 йилгача ёки ҳисоб даври ва ишлаб чиқариш жараёнининг технологияси давомийлиги билан белгиланади.</p>
<p><b>РЕСУРСЛАР:</b></p>	<p><i>Шартли белгилар:</i></p> 	<p>- молиявий ресурслар. - бошқа ресурслар (моддий ва меҳнат).</p>

**3-расм. Бошқарувнинг турли даражаларида ресурслар таркибий салмоғининг ўзгариши**

Хашимов А.А., ...истикболли таҳлилни бюджетлаштириш билан боғлаб, уни нафақат молиявий режалаштириш мақсадларига мувофиқ муайян бюджетларни ишлаб чиқиш жараёни, балки қабул қилинаётган бошқарув қарорларининг молиявий асосларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишга мўлжалланган бошқарув технологияси ҳамдир, - деб ҳисоблайди.

Фикримизча, режалаштириш жараёни амал қилиш вақтига мувофиқ қисқа, ўрта ва узоқ муддатли; кўйилган мақсадига кўра эса, оператив, тактик ва стратегик режалаштиришга бўлинади.

Қисқа муддатли режалаштириш тизими кун, ҳафта, декада, ой, чорак ёки бир йил давомида амалга оширилади. Бу режалар бош дастур асосида ишлаб чиқилиб, аниқ мақсад ва йўналишга эга бўлади, уларни бажаришда

<sup>17</sup> Ковалев В.В. Финансовый анализ: методы и процедуры. -М.: «Финансы и статистика», 2003. – 20 с. методикаси асосида муаллиф томонидан тузилган.

турли хил усуллар қўлланилади. Тезкор режалар корхона асосий мақсадини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган тактик режаларни ифода этади. Улар жумласига ишлаб чиқариш режаси, умумишлаб чиқариш харажатлари режаси, моддий - техника таъминоти режаси кабилар кирради.

Тактик ёки ўрта муддатли режалаштириш 3-5 йил муддатни камраб олиб, корхонанинг узоқ муддатли мақсадларга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқиш ёрдамида амалга оширилади. Мазкур режалаштиришда корхона мақсадининг ресурслар билан боғлиқ жиҳатлари тахлил қилинади ва турли хил молиявий кўрсаткичлар ўртасидаги мутаносибликлар аниқланади.

3-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси йўл фондининг 2003-2015 йиллардаги асосий иктисодий кўрсаткичлари динамикаси тахлили, (млн.сўмда)<sup>18</sup>**

Кўрсаткичлар номи	Йиллар							
	2003 йил 1 октябр дан <sup>19</sup>	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2015 прогноз
1 Йил бошига қолдик	-	10885,6	41114,2	81597,1	22870,8	82876,4	73161,6	-
2 Тушумлар, жами	37303,1	168970,1	208901,3	270200,8	355168,2	402748,0	556913,6	940714,0
3 Умумий харажатлар	26 417,5	138741,5	168418,4	328927,1	295162,6	412462,8	539920,0	821748,0
Шу жумладан:								
3.1 Бошқарув аппаратини сақлашга	319,5	1643,4	1687,0	2142,4	2562,6	3252,0	5024,0	5462,0
3.2 Инвестиция харажатлари	25 908,8	125741,9	151357,7	179125,3	243538,5	380115,0	431936,0	779252,0
3.3 Бошка харажатлар	189,2	11356,3	15373,7	147659,4	49061,5	29095,8	89000,0	37034,0
4. Йил охирига қолдик	10 885,6	41114,2	81597,1	22870,8	82876,4	73161,6	90155,2	

Стратегик ёки узоқ муддатли режалаштиришда корхонанинг 5-10 йил муддатга белгиланган ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади. Бу концепция корхонани бозорда барқарор ҳолатни сақлаш ва ўз сегментига эга бўлиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш, тўлов қобилиятини яхшилаш, фойдани энг юқори даражага олиб чиқиш ва рентабелликни ошириш каби стратегик мақсадларига эришишини таъминлайди. Стратегик режалар бизнесни ва ташкилий тузилмани белгилаш, аниқлаб олиш бўйича тузиладиган бош режалар ҳисобланиб, алоҳида эҳтиёж бўлмаса қайта тузилмайди. Уларга янги технологияларни жорий этиш, янги бозорларни ўрганиш ва харидорларни жалб қилиш кабиларни киритиш мумкин<sup>20</sup>.

<sup>18</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 21 августдаги 3292 -сонли Фармонида асосан Республика йўл жағғармаси Молия вазирлиги ҳузурда 2003 йил 1 октябрдан ташкил этилган.

<sup>20</sup> Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масалалари.- икт.фан докт. илмий даражасини олиш учун ёзилган дис. автореферати - Т.: ЎзР БМА, 2004.-33 б.



Узоқ ва ўрта муддатли режалар корхона стратегиясини, қисқа муддатли режалар эса, тактикасини амалга оширишга кўмаклашади.

Иқтисодиётнинг модернизациялашуви шароитида ташкилот фаолиятини янги қирраларини таҳлил этиш услубларини қўллашни, рақобат курашига бардош бериш ва бозорда ўз ўрнини топиб, яшаб қолиши учун, молиявий мустақиллик ва барқарорлик кўрсаткичларини, шерикларни молиявий ишончлилик даражасини тезкор, жорий ва истикболли таҳлил қилиб боришни тақозо этади.

Экстраполяция усули ёрдамида жараёнлар юзага келишида, одатда, у ёки бу кўп миқдорий объект тавсифи статистик тенденцияларини йиғишда, ўзгариш нуктасидан бошланади. Экстраполяция усуллари энг кўп тарқалган ва барча прогнозлаш усуллари таркибида нисбатан кўп ишлаб чиқилган усуллардан ҳисобланади.

Экстраполяция усули вақт қаторларидаги боғланиш кўпроқ, яъни экстраполяция қилишнинг тарқалган соҳалари аниқланган ҳолларда қўллаш кўпроқ самара беради.

Истикболли иқтисодий таҳлилнинг методологик муаммоларидан ҳисобланган маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажмини оширишнинг интенсив омиллари ёрдамида резервларни қидириб топиш; бозор конъюнктураси ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар; ташкилот молиявий ҳолатининг умумий ҳолатига баҳо бериш; иш ва хизматларнинг даромадлилиги; баҳо сиёсати; ишлаб чиқариш қувватлари, рақобатчи шерикларнинг хизматлар бозоридagi ҳолати ва бошқа кўрсаткичларни тадқиқ этиш илмий ишнинг асосий йўналиши этиб белгиланган.

Прогнозлаш усуллари тизимида «усул» ёки «иқтисодий ва ижтимоий прогнозлаш усуллари» тушунчасини аниқлаб олиш керак.

Прогнозлаш усули деганда, ретроспектив маълумотлар, ташқи ва ички алоқалар, прогнозлаш объекти, шунингдек, кўрилаётган ҳодиса ёки жараён доирасида уларнинг ўлчовларини таҳлил қилиш асосида объектнинг келгусида ривожланишини аниқ, муҳокама қилиш имконини берадиган фикрлаш йўллари ва усуллари мажмуасини тушуниш лозим<sup>21</sup>.

Прогнозлаш усулларининг муҳим таснифлаш белгиларидан бири уларни объектни тўла қамраб олиш даражаси ҳисобланади.

Амалиётда аксарият корхоналар кўшимча маблаққа бўлган эҳтиёжини баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклларини тахминлаш ёрдамида аниқлайдилар.

Бозор иқтисодиёти шароитида менежерлар корхона фаолиятини самарали узоқ муддатли бошқариш ва истикболли бошқарув қарорлари қабул қилиш учун корхона молиявий фаолиятини ифодаловчи интеграл кўрсаткичларнинг келгуси ўзгаришини тахминлаш тўғрисида етарли маълумотларга эга бўлишлари зарур. Бундай кўрсаткичлардан бири банкротлик ҳолатини тахминлаш ҳисобланади.

<sup>21</sup> Абдуллаев А.М., Ирматов М.М., Ҳайдаров М.Т., Ашурова Д.С. Иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришни прогнозлаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: «Фан ва технология» 2006. - б. 66.

Иқтисодий адабиётда банкротлик ҳолатини тахминлаш борасида қатор ёндашувлар мавжуд. Жумладан, М.К.Пардаев банкротликка тушиш эҳтимолини баҳолашдаги ёндашувларни қуйидагиларга ажратади:

- кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш йўли билан;
- чегараланган асосий кўрсаткичлардан фойдаланиш йўли билан;
- интеграл (комплекс) кўрсаткичларни аниқлаш йўли билан<sup>22</sup>.

Йўл қурилиши ва таъмирлаш корхоналари молиявий фаолиятини баҳолашнинг муҳим кўрсаткичларидан бири потенциал банкротлик индекси ҳисобланади. Тармоқ корхоналарида банкротлик ҳолатлари кўпинча нотўғри бошқарув қарорлари қабул қилиш натижасида юзага келади. Бунда қуйидаги банкротлик белгилари дастлаб намоён бўлади: муддати ўтган кредиторлик қарзларининг муайян мезондан ошиб кетиши, ликвидлик коэффицентларининг барқарор кичик қийматлари, айланма маблағларнинг мунтазам равишда етишмаслиги, инвесторлар, кредиторлар, акциядорлар олдидаги мажбуриятларнинг мунтазам бажармаслиги, муддати ўтган дебиторлик қарзларининг солиштирма улуши юқори эканлиги ва ҳ.к. Ушбу белгиларнинг деярли барчасини Ўзбекистондаги йўл қурилиши ва таъмирлаш корхоналарида учратиш мумкин.

Иқтисодий ночорлик ҳолатларининг олдини олиш кўпинча оқилона бошқарув қарорлари қабул қилишга боғлиқлиги, шу боисдан, тармоқ корхоналарида банкротлик эҳтимоли учун Э.Альтманнинг бешта коэффицентдан иборат Z-(зет) моделини қўллашни таклиф этган А.Х.Худойбердиевнинг фикрига қўшиламиз<sup>23</sup>.

Ушбу фикрни ривожлантириб, уни Самарқанд вилояти Иштихон тумани автомобиль йўллари ни сақлаш ва таъмирлаш корхонасининг молиявий ҳисоботи маълумотлари асосида банкротлик эҳтимолини аниқлаш методикасидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаб чиқамиз: (2006 йил маълумоти)

$$Z = \frac{Ca}{Ja} x_{1,2} + \frac{Tf}{Ja} x_{1,4} + \frac{Cf}{Ja} x_{3,3} + \frac{Ka}{Uk} x_{0,6} + \frac{Cm}{Ja} x_1 = 0,09 + 0,0014 + 0,095 + 0,6 + 1,07 = 1,86$$

Бу ерда, Z - банкротлик эҳтимоли; (3)

Ca - айланма маблағлар қиймати

Ja - жами активлар қиймати;

Tf - тақсимланмаган фойда;

Cf - соф фойда;

Ka - жорий активлар қиймати;

Cm - маҳсулот (иш, хизматлар)ни сотишдан тушган тушум;

Uk - қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятлар.

Тахлил қилинаётган кўрсаткичнинг моҳияти учта оралиқда баҳолашни лозим. Агар Z кўрсаткичи 1,8 дан кичик бўлса, корхонанинг банкротлик эҳтимоли келажақда юқори бўлади. 1,81-2,7 коэффицентлар оралиғида банкротлик хавфи ўртача ҳолларда, 2,8-2,9 оралиғида – жуда кичик, бу коэффицент 3дан юқори бўлганда корхона иқтисодий ночорлик, тўловга қобилиятсизлик каби рисклардан холи бўлади.

<sup>22</sup> Пардаев М.К., Исроилов Б.И. Молиявий тахлил -Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси». 1999 -б.243.

<sup>23</sup> Худойбердиев А.Х. Инвестиция фаолиятини бошқариш тизимда молиявий ҳисобот ва унинг тахлилини такомиллаштириш. Иқт. фанл. ном.дисс. автореферати – Т.: 2005, 15 б.

Демак, биз таҳлил қилаётган Самарканд вилояти Иштихон тумани йўл ҳўжалиги туман пудрат - таъмирлаш фойдаланиш корхонасининг банкрот ҳолатга тушиш эҳтимоли ўртача деб баҳоласа бўлади. Бу таҳлилни вилоят корхоналари миқёсида таҳлил қилганимизда, қуйидаги маълумотларга эга бўламиз, (4-жадвал).

4 - жадвал

**Йўл қурилиши ва таъмирлаш корхоналарининг банкротлик ҳолати таҳлили<sup>24</sup>**

№	Кўрсаткичлар  Корхоналар номн	Йиллар							Молиявий ҳолати барқарорлиги
		2005	2006	2007	2008	2009	2015	2020	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	Булунғур ЙХТПТФК	2,1	2,3	2,5	2,7	2,8	2,9	2,95	ўрта
2.	Нарпай ЙХТПТФК	1,81	1,83	1,83	1,85	1,9	2,0	2,2	ўрта
3.	Иштихон ЙХТПТФК	1,82	1,86	1,87	2,0	2,2	2,4	2,8	ўрта
4.	«Магистрал махсус» ЙХТПТФК	2,0	2,3	2,4	2,7	2,8	2,9	2,96	яхши
5.	Вилоят бўйича ўртача	1,87	1,95	2,02	2,18	2,4	2,6	2,75	ўрта

**Изоҳ:**

1,8 коэффициентгача - корхонанинг банкротлик эҳтимоли келажакда юқори бўлади.

1,81 - 2,7 - корхонада банкротлик хавфи ўртача ҳолатда.

2,8 - 2,9 - корхонада банкротлик эҳтимоли жуда кичик ҳолатда.

3 - дан юқори бўлганда корхона иқтисодий ночорлик, тўловга қобилиятсизлик каби хавфлардан ҳоли бўлади.

Фикримизча, автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш корхоналарида истикболли иқтисодий таҳлилни ташкил этишда кўп ўлчамли қислама таҳлил усули алгоритмдан фойдаланиш зарур. Бу алгоритмнинг афзаллиги шундаки, унда корхонанинг ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятига ҳар томонлама комплекс ёндашув таъминланади. Ушбу алгоритм барча рақобатчи корхоналарнинг реал натижалари ва уларнинг эталон корхона кўрсаткичларига яқинлиги даражасини ҳисобга олади. Шу тариқа, таклиф этилаётган алгоритм кўриб чиқилаётган корхонанинг молиявий ҳолати бошқа корхонага нисбатан ишончилигини баҳолашни миқдорий ўлчаш имкониятини яратди. Бунда корхонанинг молиявий ҳисоботида акс эттирилган ўтган даврдаги ва жорий фаолият натижалари асос қилиб олинади, бу эса, корхонанинг ҳақиқий рейтингини баҳолаш имконини беради.

Истикболли иқтисодий таҳлилни ўтказиш усулларида омилкорлик билан фойдаланиш автомобиль йўлларини қуриш ва таъмирлаш корхоналари молиявий ҳолатининг самарадорлиги оширилишини талаб этади. Бу эса, корхоналарда фойдаланилмаётган молиявий имкониятларни аниқлаш ва уларни келгусида амалиётга жорий этишга қўмаклашувчи муҳим манба бўлиб ҳисобланади.

<sup>24</sup> «Ўзавтойўл» ДАК маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

## ХУЛОСА

Истикболли иқтисодий таҳлилни ташкил этиш борасида олиб борилган илмий изланишлар қуйидаги хулосаларни чиқаришга асос бўлади:

1. Корхона амалиётида истикболли таҳлилнинг элементларидан бири ҳисобланган бизнесни режалаштириш ва техник-иқтисодий асоснома (ТИА)нинг мазмуни, мақсади, тузувчи мутахассислар ва услубиятига жиддий эътибор берилмапти. Бунинг оқибатида молиявий режа тузиш, бош бюджет, молиявий, операцион ва инвестицион бюджетлар тузиш тадбирлари ўрнига банк муассасаларидан кредит олиш мақсадида бизнес-режа тузилмоқда. Инқирозга қарши чоралар дастури амалга оширилаётган шароитда йўл қурилиши ва таъмирлаш корхоналарининг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий ночорлигини таҳлил қилиш, таркибий ўзгартиришлар, мулк шаклларини ўзгартириш, инвестицияларни жалб қилиш йўлларини аниқлаш, уларнинг самарадорлигини баҳолаш долзарб масалалардан биридир.

2. Йўл қурилиши ва таъмирлаш корхоналарида истикболли иқтисодий таҳлили усулларини такомиллаштириш йўлларида бири - молиявий диагностика ва прогнозлаштириш ҳисобланади. Унинг манбалари сифатида молиявий ҳисобот шакллари, статистик, оператив ва тармоқ ҳисобот шакллари ҳисобланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, молиявий диагностика ва тахминлаш жараёнларида бухгалтерия баланси усули билан бирга иқтисодий баланслаштириш усулларини қўллаш ижобий самаралар беради. Айниқса, пул маблағлари ҳаракатининг кутилаётган ҳажмини молиявий диагностика қилиш, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари динамикасини истикболли таҳлил мақсадлари учун ўтган давр, ҳисобот даври ва истикболда кутилаётган натижаларни бюджетлаштириш рецессия жараёнида муҳим аҳамиятга эга.

3. Истикболли жараёни бюджетлаштиришнинг мантикий негизи ҳисобланган бизнес-режалаштиришнинг тамойиллари сифатида узлуксизлик, мақбуллик, кўп вариантлик ва режалаштириш жараёнига жамоани жалб этиш таъкидланган. Бизнес-режалаштиришнинг услубияти тақлиф этилган ва уни бош бюджетнинг таркибий қисмлари билан узвий боғлиқ равишда тузиш зарурлиги таъкидланган.

4. Истикболли иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг иқтисодий зарурати асосланди ва унинг вазифалари белгилаб берилди.

5. Диссертацияда корхоналарда истикболли таҳлил ва стратегик режалаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги тадқиқ этилган. Бунда стратегик режалаштиришнинг мақсадни белгилаш, стратегияни танлаш, стратегияни баҳолаш ва стратегик таҳлилни амалга ошириш каби босқичлари тавсия этилган.

6. Диссертацияда корхоналарда истикболли иқтисодий таҳлилни ташкил этишнинг аҳамияти аниқланган. Диссертацияда истикболли иқтисодий таҳлилнинг жорий таҳлил қилиш, молиявий диагностика ва молиявий тахминлаш ёрдамида таҳлил қилиш, истикболни баҳолаш, оқилона бошқарув қарорларини ишлаб чиқишга имкон берувчи маълумотлар базасини шакллантириш, янги тахминга асосланган ҳисоб-китобларни амалга ошириш, корхонани муҳим иқтисодий

ривожланиш йўналишларини белгилаб бериш ва амалиётга жорий этиш борасида илмий таклифлар бериш босқичлари ишлаб чиқилган.

7. Автомобиль йўллари қуриш ва таъмирлаш корхоналарида банкротлик эхтимолини аниқлаш тартиби аниқланган. Бунда тадқиқот объекти корхонаси маълумотлари асосида банкротлик ҳолати бешта коэффицентдан иборат Z-модели асосида аниқланган ва тегишли хулосалар берилган.

8. Илмий ишда истиқболли иқтисодий таҳлилни ўтказиш усуллари тахминлаш объектнинг мавжуд ахборот манбаларига ва ўтган ҳисобот даврларидаги ахборотларга асосланган омилларга боғлиқлик усули - эксперт усуллари ва аралаш усулларга ажратилган.

## **ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙҲАТИ**

1. Тошпулатов Э.А. Перспективный экономический анализ в системе управления хозяйствующих субъектов // Проблемы экономики. – Москва, 2006. - № 4 (11) - С. 121.

2. Тошпулатов Э.А. Автомобиль йўллари: қуриш, таъмирлаш ва сақлаш истиқболлари // Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2007. - № 8. - Б. 26.

3. Тошпулатов Э.А. Истикболли таҳлилда молиявий диагностика ва тахминлаш усуллари қўллаш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007. - № 9. - Б. 48.

4. Тошпулатов Э.А. Истикболли иқтисодий таҳлилни ўтказиш усуллари // Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш тамойиллари, устувор йўналишлари ва истиқболлари. Маъруза тезислари материаллари. – Т. 2006. - Б. 265.

5. Тошпулатов Э.А. Молиявий диагностика истиқболли таҳлилнинг самарали усули сифатида // Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда корпоратив бухгалтерия ҳисоби, молиявий таҳлил ва аудитнинг асосий йўналишлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари – Тошкент, 2006. - Б. 142.

6. Тошпулатов Э.А. Перспективный экономический анализ деятельности дорожно-строительных и эксплуатационных организаций // Двадцатые международные плехановские чтения. Тезисы докладов международной конференции – М. 2007. - С. 369.

7. Тошпулатов Э.А. Молиявий инвестицияларни истиқболли таҳлил қилиш йўналишлари // Дальнейшее углубление реформ в банковско-финансовой системе Узбекистана. Материалы международной научно-практической конференции. – М. 2007. - С. 165.

8. Тошпулатов Э.А. «Ўзавтойул» давлат - акциядорлик компанияси тизимида ҳисобот тизимини мукамаллаштириш // Международныи опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане. Материалы международной научно-практической конференции. Часть 1. - М. 2008. - С. 263.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Тошпулатов Элёр Абдухошимовичнинг 08.00.08 – «Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит» ихтисослиги бўйича «Хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришда истиқболли таҳлилни ташкил этиш асослари» мавзусидаги диссертациясининг**

## **РЕЗЮМЕСИ**

**Таянч сўзлар:** иқтисодий таҳлил, истиқболли таҳлил, молиявий диагностика, тахминлаш, бизнес-режа, тўлов қобилияти, банкротлик.

**Тадқиқот объекти:** «Ўзавтойўл» ДАК тизимидаги корхоналар фаолиятининг истиқболли иқтисодий таҳлили.

**Ишнинг мақсади:** иқтисодийetni модернизациялаш шароитида корхоналарда истиқболли иқтисодий таҳлилни самарали ташкил этишга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот методлари:** гуруҳлаш, умумлаштириш, индукция ва дедукция, киёсий таҳлил, прогнозлаш.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** «истиқболли таҳлил», «молиявий диагностика», «тахминлаш» тушунчаларига такомиллаштирилган муаллифлик таърифи шакллантирилди; комплекс иқтисодий диагностика таҳлилининг таркибий қисмлари аниқланди ва туркумлаштирилди; истиқболли таҳлилда экстраполяция усулини қўллаш методикаси ишлаб чиқилди; автомобиль йўллари куриш ва таъмирлаш корхоналарида банкротлик ҳолатини тахминлаш усули таклиф этилди; иқтисодий таҳлилнинг турлари таснифланиб, киёслаш мезонлари ишлаб чиқилди ва уни ўтказишнинг босқичлари белгиланди; корхоналарда истиқболли иқтисодий таҳлил ва стратегик режалаштиришнинг ўзаро боғлиқлиги, умумий ва хусусий жиҳатлари киёсий тадқиқ этилди; истиқболли иқтисодий таҳлилда бюджетлаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди; корхоналарда истиқболли иқтисодий таҳлилни амалга оширишнинг молиявий диагностика, прогнозлаштириш усуллари тавсия этилди.

**Амалий аҳамияти:** диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни автомобил йўллари куриш ва таъмирлаш соҳасидаги, шунингдек, иқтисодийetniнинг бошқа тармоқларидаги хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилни оқилона ташкил қилиш жараёнида қўллаш мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқотнинг илмий ҳулоса ва амалий таклифлари «Ўзавтойўл» ДАК томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган, (15.10.2009 йил №5/3-1486 далолатнома-хат). Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Молиявий ва бошқарув таҳлили», «Комплекс иқтисодий таҳлил», «Корхона молиявий ҳолатининг таҳлили», «Иқтисодий таҳлил» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** «Ўзавтойўл» ДАК тизимидаги хўжалик юритувчи субъектлар, олий ўқув юртлари.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Топшуплатова Элэра Абдухошимовича на тему: «Основы организации перспективного анализа в управлении хозяйствующими субъектами» на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.08 – «Бухгалтерский учет, экономический анализ и аудит».

**Ключевые слова:** экономический анализ, перспективный анализ, финансовая диагностика, прогнозирование, бизнес-план, платежеспособность, банкротство.

**Объекты исследования:** перспективный экономический анализ деятельности предприятий системы ГАК «Узавтоул».

**Цель работы:** разработать научные предложения и практические рекомендации по эффективной организации перспективного экономического анализа на предприятиях в условиях модернизации экономики.

**Методы исследования:** группировка, обобщение, индукция и дедукция, сравнительный анализ, прогнозирование.

**Полученные результаты и их новизна:** предложено усовершенствованное авторское определение понятий «перспективный анализ», «финансовая диагностика», «прогнозирование»; определена структура комплексной экономической диагностики; разработана методика применения метода экстраполяции в перспективном экономическом анализе; предложен метод прогнозирования состояния банкротства предприятий по строительству и ремонту автомобильных дорог; обоснована экономическая необходимость организации перспективного экономического анализа и осуществлена классификация видов экономического анализа, определено место перспективного экономического анализа среди них, разработаны признаки сопоставления и основные этапы его проведения; исследована взаимосвязь перспективного экономического анализа и стратегического планирования на предприятиях; разработаны научные предложения по осуществлению бюджетирования в перспективном экономическом анализе; предложено проведение перспективного экономического анализа методом финансовой диагностики, прогнозирования и др.

**Практическая значимость:** разработанные научные предложения и практические рекомендации диссертационной работы могут быть использованы в процессе эффективной организации бухгалтерского учета и экономического анализа в хозяйствующих субъектах сферы строительства и ремонта автомобильных дорог.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** научные заключения и практические предложения исследования приняты со стороны ГАК «Узавтоул» для применения в практике (письмо-акт от 15.10.2009 г. № 5/3-1486). Материалы диссертации могут быть использованы в совершенствовании учебной программы и преподавании дисциплин «Финансовый и управленческий анализ», «Комплексный экономический анализ», «Анализ финансового состояния предприятий», «Экономический анализ» в высших учебных заведениях.

**Область применения:** хозяйствующие субъекты ГАК «Узавтоул», высшие учебные заведения.

## RESUME

**Thesis of Toshpulatov Elyor Abduhoshimovich of scientific degree competition of the candidate of economic sciences, on specialty 08.00.08 - "Accounting, economic analysis and audit", subject: "Basises of organization of perspective analysis in the management of economic entities".**

**Key words:** economic analysis, perspective analysis, financial diagnostics, forecasting, business plan, solvency, bankruptcy.

**Subject of research:** perspective of economic analysis of the activity of enterprises of the system of SJSC "Uzavtoyul".

**Purpose of work:** work out scientific proposals and practical recommendations on effective organization of perspective economic analysis in the enterprises under conditions of economy modernization.

**Methods of research:** grouping, generalization, induction and deduction, comparative analysis, forecasting.

**The results obtained and their novelty:** advanced author's to the terms "perspective economic analysis", "financial diagnostics", "forecasting" has been given; the structure of complex economic diagnostics has been defined and assessment method has been suggested; methodology of application of extrapolation method in prospective economic analysis has been developed; method of forecasting of bankruptcy of the enterprises engaged in construction and maintenance of automobile roads has been proposed; economic necessity of organization of prospective economic analysis has been justified and classification of types of economic analysis has been done and the place of perspective economic analysis in this classification has been identified and factors of its comparison and basic stages of its conducting have been developed; scientific proposals on budgeting in perspective economic analysis have been worked out; conducting of perspective economic analysis by methods of financial diagnostics and forecasting has been proposed.

**Practical value:** scientific proposals and practical recommendations developed under this dissertation work may be used in the process of effective organization of accounting and economic analysis of economic entities of the field of construction and maintenance of automobile application.

**Degree of embed and economic effectivity:** Scientific conclusions and practical proposals of the research have been accepted by SJSC "Uzavtoyol" for application in practice (letter dated October 15, 2009 #5/3-1486). Dissertation materials can be used in improvement of educational program and training courses on "Financial and managerial analysis", "Complex economic analysis", "Analysis of economic condition enterprises", "Economic analysis" in higher educational institutions.

**Field of application:** economic entities of the system of SJSC "Uzavtoyul", higher educational institutions.

Тадқиқотчи





<b>Босишга рухсат этилди</b>	<b>26.01.2010</b>
<b>Қоғоз бичими</b>	<b>30x42</b>
<b>Ҳисоб-нашр табоғи</b>	<b>1,75 б.т.</b>
<b>Адади</b>	<b>100</b>
<b>Буюртма</b>	<b>№ 10</b>

**Тошкент Молия институти bosмахонасида  
ризография усулида чоп этилди. 100000, Тошкент  
Амур Темур шох кўчаси, 60<sup>А</sup>-уй**